

Тазкия дарслари (156-дарс). Бидъатнинг ҳукми



19:32 / 16.10.2021 4104

1. Ақийдадаги бидъат динда маълум бўлган очиқ-ойдин эътиқодга хилоф бўлса, ҳаром бўлади ҳамда куфрга олиб боради.

Агар ақийдадаги бидъат юқоридаги зикр қилинган нарсадан паст ҳамда аҳли сунна вал жамоа ақийдавий мазҳабига хилоф бўлса, фикс бўлади.

2. Ибодатдаги бидъат гоҳида ҳаром, гоҳида макруҳ бўлиши мумкин.

Ҳаромига таркидунёчилик, офтобда туриб рўза тутиш ва аёлларга яқинлашмаслик учун ўзини бичиш каби бидъатлар мисол бўлади.

Ибодатдаги макруҳ бидъатга жума хутбасида султонларни зикр қилиш ва масжидларни ортиқча безаш мисол бўлади.

3. Одатлардаги бидъат макруҳ ёки мубоҳ бўлиши мумкин: еб-ичишда исроф қилиш – макруҳ, ейиш ва ичишда лаззатни исташ – мубоҳ.

Бидъатнинг келиб чиқиш сабаблари:

1. Қуръон ва Суннат таълимотларини билмаслик.
2. Шариатнинг нуқсонсиз ва мукамал эканини тушуниб етмаслик.
3. Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларда бир-бирига зидлик йўқлигини тушуниб етмаслик.
4. Суннатнинг аслини ва унинг саҳиҳини билмаслик.
5. Ақлга ҳаддан ташқари ишониб кетиш.
6. Муташобих – бир-бирига ўхшаш ва оддий одам тушуниши қийин бўлган матнларга эргашиб кетиш.
7. Ҳавойи нафсга эргашиш.
8. Урф-одатларни маҳкам ушлаб олиш.
9. Ота-боболарининг қилган ишини диндан деб билиш.
10. Баъзи тақлидчилар мазҳабига маҳкам ёпишиб олиш.
11. Бузуқ тасаввуфга эргашиш.
12. Тушга амал қилиш.

«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди